

# Ширкнинг турлари

"Мухтасар ал-фиқҳ ал-исломий" китобидан иқтибос



مقالة مقتبسة من كتاب مختصر الفقه الإسلامي

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]

Муҳаммад ибн Иброҳим ат-Тувайжирий

Таржимон: Шамсуддин Ҳакимзода

Нашрга тайёрловчи: Шамсiddин Дарғомий

2009 - 1430

islamhouse.com

# ﴿أقسام الشرك﴾

مقالة مقتبسة من كتاب مختصر الفقه الإسلامي

«باللغة الأوزبكية»

محمد بن إبراهيم بن عبد الله التويجري

ترجمة: شمس الدين حكيم زادة

تحرير: شمس الدين درغامي

2009 - 1430

islamhouse.com

## **Бисмиллахир Роҳманир Роҳим**

### **Ширкнинг қисмлари.**

- **Ширк икки турлидир:** катта ширк ва кичкина ширк.

1) Катта ширк миллатдан (мусулмончиликдан) чақаради ва барча ишларни ҳабата қиласи. Катта ширк қилган одамнинг моли ва жони ҳалол, ўзи эса агар тавба қилмай ўлса дўзахда абадий қолгувчилардан бўлади. Катта ширк бу ибодатнинг ҳаммасини ёки бир бўлагини Аллоҳдан бошқага бағишламоқдир. Жумладан: Аллоҳдан бошқага дуо қилиб, мақсадларни сўраш, қабрдагиларга, жинларга, шайтонларга атаб қурбонлик ва назрлар қилиш, Аллоҳдан бошқа ҳеч ким қодир бўлмаган бойлик, шифо ва ёмғир ёғдириш каби нарсаларни Аллоҳдан ўзгадан сўраш ва булардан бошқа жоҳиллар авлиёларнинг қабрлари, бутлар, дараҳтлар ва тоғу тошлар олдида қиласидиган кўп нарсалар.

### **Биринчи: Катта ширк ва унинг турлари.**

#### **1. Қўрқувдаги ширк.**

Бу Аллоҳдан бошқа бутлар, арвоҳлар, жинлар, одамлар ва бошқа нарсалардан “менга зиён етказиб қўяди” деб қўрқишиликдир. Бу қўрқувнинг динга зиёни буюқдирки, ким уни (қўрқувни) Аллоҳдан бошқага бағишиласа, Аллоҳга катта ширк келтирган ҳисобланади. Зоро, Аллоҳ таоло бундан қайтариб:

**“Агар иймонли бўлсангизлар улардан қўрқманглар, Мендангина қўрқинглар!”<sup>1</sup>** деб марҳамат қилган.

## **2. Таваккулдаги<sup>2</sup> ширк.**

Барча ишлар ва барча ҳолатларда ёлғизгина Аллоҳга таваккул қилиш бунда ихлос вожиб бўлган катта ибодатлардан биридир. Кимда ким Аллоҳдан ўзга ҳеч ким қодир бўлмаган ризқ бериш, фойда ва зиён етказиш масалаларида Аллоҳдан ўзга ўликлар, ғойб нарсалар ва шу кабиларга таваккул қилса Аллоҳга катта ширк келтирган бўлади. Аллоҳ таоло деди:

**“Агар мўмин бўлсангиз Аллоҳгагина таваккул қилинглар”<sup>3</sup>**

## **3. Муҳаббатдаги ширк.**

Аллоҳни севиш бандадан камоли итоат ва камоли тавозеъни талаб қиласди. Шунинг учун бу муҳаббат фақат ва фақат Аллоҳга бағишланиши лозим. Бу муҳаббатда Аллоҳга ҳеч кимни ва ҳеч нарсани шерик қилинмайди. Аммо, кимда ким Аллоҳдан ўзгани худди Аллоҳни севгандек севса, демак у муҳаббат ва таъзимда Аллоҳга бошқа бир tengdoш қўшган бўлади. Бу эса катта ширkdir. Аллоҳ таоло деди:

**“Одамлардан баъзилари борки, Аллоҳдан бошқани (Унга) тенгдош қилиб ушлайдилар ва уни худди Аллоҳни севгандек севадилар. Иймонли кишилар эса, Аллоҳни кўпроқ севадилар”<sup>4</sup>**

---

<sup>1</sup> Оли Имрон: 175

<sup>2</sup> Таваккул. Лугатдаги маъноси “вакил қилиш”, истилоҳдаги маъноси эса, “барча ишларни Аллоҳга топширишдир”. Яъни, агар бир одам Аллоҳга таваккул қилса, гўёки “эй, Аллоҳим! Мен мана шу ишларимда фақат Сенга ишонаман, Сенга суннаман ва шунинг учун Сени вакил қилиб Сенга топшираман! Барча нарсалар фақат Сенинг қўлингдадир!” деган бўлади. Агар Аллоҳдан бошқага таваккул қилса, айни сўзларни ўшангага айтган бўлади. *Таржимон изоҳи.*

<sup>3</sup> Моида: 23

<sup>4</sup> Бақара: 165

## **4. Итоатдаги ширк**

Бу ширкнинг моҳияти Аллоҳ ҳаром қилган ва ҳалол қилган нарсаларда Аллоҳга эмас, ўзгаларга, масалан: уламоларга, мансабдорлага ва ҳокимларга итоат қилишдан иборатdir. Ким шундай қилса уларни қонунчиликда Аллоҳга шерик қилган бўлади. Бу эса катта ширклардан биридир. Аллоҳ таоло деди:

**“Улар ўзларининг аҳборларини, руҳбонларини<sup>5</sup> ва Масих ибн Марямни Аллоҳдан ўзга худолар қилиб олдилар. Ваҳоланки, улар ягона илоҳ(Аллоҳ)гагина ибодат қилишга буюрилган эдилар”<sup>6</sup>**

### **● Мунофиқлик ва унинг турлари.**

#### **1. Катта мунофиқлик.**

У эътиқоддаги мунофиқлиkdir. Эътиқоддаги мунофиқлик деб, инсоннинг зоҳирида ислом аҳкомларини бажариб ботинида кофир ҳолда бўлишига айтилади. Бундай одам кофир ва дўзахнинг энг тубанларига лойиқdir!

**“Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг тубанларида бўладилар ва сен уларга ҳаргиз ёрдамчи топмассан!”<sup>7</sup>**

#### **2. Кичкина мунофиқлик.**

Бу амаллардаги нифоқdir. Кичкина нифоқни содир қилган одам диндан чиқмасада, Аллоҳ ва расулига осий бўлади. Зоро, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда пайғамбаримиз саллаллоҳу

<sup>5</sup> Аҳбор ва руҳбон. Яхудийлар ва масиҳийларнинг диний пешволари

<sup>6</sup> Тавба сураси 31оят.

<sup>7</sup> Нисо: 145

алайҳи ва саллам мана бундай деганлар: “*Тўрт хислат борки, улар кимда топилса, у аниқ мунофиқдир! Аммо кимда у хислатлардан бири топилса, то уни тарк қилгунга қадар унда мунофиқликдан бир хислат бўлади.* (У хислатлар тубандагилардир:) агар унга амонат берилса хиёнат қиласди, агар гапирса ёлгон гапиради, агар аҳдолашиса гаддорлик<sup>8</sup> қиласди ва агар жсанжаллашиса сўкинади”<sup>9</sup>

## **Иккинчи: Кичкина ширк ва унинг турлари.**

Бу ширк Аллоҳ “ширк” деб атаган аммо, катта ширк даражасига етмаган ширклардир. Кичкина ширк инсоннинг иймонига нуқсон еткизса ҳам, диндан чиқармайди. Бироқ, кичкина ширклар катта ширкларга олиб боради. Кичкина ширкни содир қилган одамнинг моли(ни талаш) ва қони(ни тўкиш) ҳаромдир. Агар катта ширк одамнинг амалини ҳабата қиласа, кичкина ширк барча амалларни эмас, балки ўзи аралашган ишнигина ҳабата қиласди. Масалан, риё (элкўрсин) учун амал қилиш кичкина ширк. Банда қайси амални риё билан қиласа, айнан ўша амалигина ҳабата бўлади. Куръону Кармда келган “ширк” сўзларидан фақат катта ширк тушунилади. Аммо, кичкина ширкнинг баёни эса, мутавотир ҳадисларда келгандир. Аллоҳ таоло деди:

**“Бас, ким Парвардигорига рўбарў бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишда бирон кимсани (унга) шерик қилмасин!** (Яъни, қиладиган барча амалларини ёлғиз Оллоҳ учун қилсин.)”,<sup>10</sup>

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Аллоҳ таборака ва таоло айтдики:**

<sup>8</sup> Фаддорлик = ваъдан бузиш

<sup>9</sup> Муттафакун алайх. Бухорий: 34, Муслим: 58

<sup>10</sup> Кахф сураси 110 оят

**“Мен шериклардан бекожатдирман. Ким бир амалда Менга бошқани шерик қылса, уни ўша ширки билан тарк қиларман!”<sup>11</sup>**

- Аллоҳдан бошқанинг номи билан қасам ичиш, шунингдек, “Аллоҳ ва фалончи ҳохласа”, “Бу Аллоҳдан ва фалончидандир” каби сўзлар кичкина ширклар жумласидандир. Бундай ҳолда “аввал Аллоҳ, Ундан кейин фалончи ирода қилди” каби ибора қўлланилса жоиздир.

Ибн Умар розияллоҳу анҳу ривоят қиласи: мен расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг “**кимда ким Аллоҳдан бошқа(нинг номи) билан қасам ичса, коғир (ёки мушрик) бўлибди**” деганини эшитдим.<sup>12</sup>

Хузайфа розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам мана бундай деганлар: “**Аллоҳ ва фалончи ҳохласа**” деб айтманлар, балки, “**Аллоҳ ҳохласа ва ундан кейин фалончи ҳохласа**” деб айтинглар”<sup>13</sup>

**Кичкина ширк баъзи пайтларда соҳибининг қалбига (ниятига) қараб катта ширк бўлиши мумкин.** Шунинг учун мусулмон банди ширкнинг барча туридан эҳтиёт бўлиши лозим. Чунки, ширк катта зулмдирки, Аллоҳ № тубандаги ояти каримада барча гуноҳларни кечирса ҳам ширкни кечирмаслигини эълон қилгандир:

**“Албатта, Аллоҳ Ўзига шерик қўшилишлигини кечирмагай ва ундан бошқасини ҳохлаган одами учун кечиргай”<sup>14</sup>**

---

<sup>11</sup> Муслим: 2985

<sup>12</sup> Абу Довуд: 3251. Термизий: 1535

<sup>13</sup> Аҳмад: 2354, Абу Довуд: 4980

<sup>14</sup> Ниҳо: 48

## **Ширқдан ёки унинг василаларидан бўлган сўз ва амаллар.**

Баъзи бир сўзлар ва амаллар борки, улар соҳибининг қалбига ва қандай содир бўлганига қараб гоҳо катта ширк саналса, гоҳо кичкина ширқдан ҳисобланади. Бу нарсалар тавҳидга зид бўлгани ва унинг сафолигига путур етказигани сабабли шариатимиз улардан қайтаргандир. Тубандা ана ўшандай ишлардан баъзиларини санаб ўтамиш:

- 1) Халқа осиб ёки ип боғлаб юриш.** Агар бу нарса бирор зиёндан сақланиш ёки фойда келтриш учун бўлса ширк ҳисобланади.
- 2) Тумор осиб юриш.** Тумор ҳоҳ тошдан, ҳоҳ суяқдан, ҳоҳ қофоздан бўлсин, ширк ҳисобланади
- 3) Қушлардан, одамлардан, мушуклардан ёки бошқа жонли жонсиз нарсалардан “ёмонлик келтиради”, “шумқадам” деб ваҳималаниш.** Бу ваҳима ширк ҳисобланади ва у шайтондандир.
- 4) Муайян дараҳтларни, тоғ тошларни, обидаларни, қабрларни** ва шу каби нарсаларни табаррук қилиш, улардан барака тилаш, ёлбориш.
- 5) Сехр.** Бу сабаблари жуда маҳфий ва латиф нарсадир. Сехр қалбга ва баданга таъсир берадиган ҳар қандай усууллардан, калималардан, дам солишилардан<sup>15</sup> иборат бўлиб, иситма-совутма, бировга руҳий ёки жисмоний зара етказиш учун қўлланилади. Баъзан (Аллоҳ ҳоҳласа) инсонни ўлимга гирифтор қилиши ҳам мумкин. Сехр жин шайтонлар воситасида амалга оширилгани ва қалбни ўшаларга боғлаб қўйгани учун ширк амаллар жумласидан ҳисобланади. Баъзи сехргарлар (уларни “азайимхон” деб ҳам аталади) ғайбни билишини даъво қилишади. Лекин уларнинг бу куфрони сўзлари Аллоҳ таолонинг мана бу оятларига зиддир:

**“Сулаймон кофир бўлмаган аммо, одамларга сехрни ўргатган шайтонлар кофир бўлган эдилар”<sup>16</sup>**

15 Куръон билан дам солиши бундан мустасно

16 Бақара: 102

Агарда сехр фақат (ўсимликларнинг ёғи, тутуни каби)дори дармонлар билан амалга оширилса, у ҳолда ширк даражасига етмайди ва катта гуноҳ ҳисобланади.

**6) Фолбинлик.** Бу жин-шайтонларнинг хабарларига асосланиб, келажакда бўладиган хабарлар каби ғайб илмини даъво қилишлиkdir. Фолбинлик Аллоҳдан бошқага тақарруб ва ғайб илмини билишда Аллоҳга бошқаларни шерик қилиш сабабли ширк ҳисобланади. Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам мана бундай деганлар:

**“Кимда ким фолбинга ва парихонга бориб, уни(нг айтганларини) тасдиқлаган бўлса, у Мухаммадга нозил қилинган нарсага кофир бўлибди”<sup>17</sup>**

**7) Мунажжимлик.** Бу шамол бўлиши, ёмғир ёғиши, касаллик, ўлим, ғалаба, мағлубият, нарх навонинг қўтарилиши, тушиши ва бошқа шу каби ер ҳодисалари ҳақида юлдузларнинг ҳаракатига қараб фол очишdir.

**8) Неъматни Аллоҳдан бошқага нисбат беришлик.** Дунё ва охиратдаги барча неъматлар ягона Аллоҳнинг қўлидадир. Кимда ким бу неъматларни Аллоҳдан бошқага нисбат берса, кофир ва мушрик бўлади. Масалан, “менинг бойиб кетишимга фалончигина сабабчи бўлди”, “эсон омон манзилга етишимизга биргина ҳайдовчи сабаб бўлди” ёки “баҳтли бўлишимизга фалон ҳукумат ва раҳбарлар сабабчи бўлишди” каби сўзлар мана шу жумладандир. Мусулмон одам ҳар қандай неъматни Аллоҳга нисбат бериши ва фақат унга шукр қилиши лозим. Аммо Аллоҳдан бошқаларнинг сабабчилиги баъзан фойда берса, баъзан зиён еткизади. Аллоҳ таоло деди:

---

17 Аҳмад: 9536, Ҳоким: 15.

**“Сизларга берилған барча ноз-неъматлар ёлғиз Оллоҳдандир.  
Шунингдек, қачон сизларга (бирон) бало-мусибат етса ҳам фақат  
Унгагина илтижо қилурсизлар”,<sup>18</sup>**

---

18 Нахл: 53